

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш Вазирлиги



\_\_\_\_\_ 2022 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль  
йўллари қуриш ва реконструкция  
қилиш дирекцияси” ДУК



\_\_\_\_\_ 2022 й.

4Р12 "Бектемир ш.-Чирчиқ ш.-Ғазалкент ш.- Чорбоғ кўрғони"  
автомобиль йўлининг 32+600 км даги кўприкни мукамал таъмирлаш  
объектининг ишчи лойиҳасини ишлаб чиқишга

Т О П Ш И Р И Қ

(3 нусхада)

Тошкент-2022 й.

1. Объектнинг номи	4P12 "Бектемир ш.-Чирчиқ ш.-Ғазалкент ш.- Чорбоғ кўрғони" автомобиль йўлининг 32+600 км даги кўприкни мукамал таъмирлаш.
2. Буюртмачи	“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК 100000.Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси 68. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси х/р:2340 2000 3001 0000 1010 МФО:00014 ИНН:304803666 МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ.
3. Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги “2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш ҳамда 2023 йилда амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларининг рўйхатини шакиллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Раёсат мажлисининг 54-сонли баёни.
4. Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари.
5. Курилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022 йиллар.(Йиллик дастурларга мувофиқ муддати ўзгариши мумкин). Курилишнинг ҳисобий муддати Курилишни ташкил этиш (ҚТЭ) лойиҳасида ҳисобланади.
6. Объект жойлашган ҳудуд	Тошкент вилояти, Ғазалкент тумани.
7. Объектнинг лойиҳавий қуввати	66,0 пм (аниқ узунлиги топогеодезия ишлари даврида аниқланади).
8. Бош лойиҳачи ташкилот	Танлов асосида аниқланади.
9. Бош пудратчи ташкилот	Тендер асосида аниқланади.
10.Курилиш тури	Мукамал таъмирлаш. (иш имкониятини тиклаш ва ошириш ишлари бажарилади).
11.Қоплама тури	Асфалтобетон. (ГОСТ 9128-2013 “Асфальтобетон қоришмалар, Полимерасфальтобетон, Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун полимер асфальтобетон” Техник шарт асосида амалга оширилсин).
12.Йўл тўшамаси конструкцияси	Ушбу ҳудуддаги материалларнинг хусусиятидан ва жойнинг гидрогеологик, геологик ва диагностика ҳулосасидан келиб чиқиб, ШНК 2.05.02-07 ва МКН44-2008, МКН46-2008 меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида йўл тўшамаси конструкцияси ҳисоб-китоб қилинсин. Автомобиль йўлларида йўл тўшамасини лойиҳалашда ўша ердаги <b>карьерларнинг захира ресурсларини</b> ва улардан чиқадиган материаллар

	<p>хусусиятларини ўрганган ҳолда алоҳида ҳисоб-китобини амалга оширилсин.</p> <p>Автомобиль йўл тўшамаси конструкциясига бугунги кунда қўлланилаётган кам цементли бетон қоришмалари ёки қора чақик тош (черный щебень) ни амалда қўллаш назарда тутилсин.</p>
<b>13.Объект қурилиш-монтаж ишларининг тахминий қиймати</b>	3,6 млрд.сўм. (Тахминий қиймати аналог объектдан олинган, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг, якуний қийматига аниқлик киритилади).
<b>14.Лойиҳани ишлаб чиқиш муддати</b>	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш муддати амалдаги меъёрий қоидаларга мувофиқ (ИКН67-2011 ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли “Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги низом) белгиланади ва лойиҳа-қидирув ишларини бажариш шартномасида кўрсатилади.
<b>15.Лойиҳалаш навбатлари ва босқичлари</b>	<p>Ишчи лойиҳа 1-босқичдан иборат ва қуйидаги ишлар амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Топогеодезия ишлари</li> <li>- Геология ишлари</li> <li>- Диагностика ишлари</li> <li>- Чизмалар ва материалларни келишув ишлари</li> <li>- АПЗ тайёрлаш ва Атроф -муҳитга таъсир баённомаси ишлаб чиқиш (экологик экспертиза ҳулосаси олинсин)</li> <li>- Лойиҳа ишлари</li> <li>- Смета ҳужжатларини тайёрлаш</li> <li>- Экспертиза кўригидан ўтказиш</li> <li>- Буюртмачига топшириш ва бошқа ишлар</li> </ul>
<b>16.Мухандислик қидирув ишларининг зарурлиги</b>	<p>Топогеодезия ишлари <b>ШНК 1.02.07-19, ШНК 1.02.08-19</b>, Геология ишлари <b>ШНК 1.02.09-15</b> ва Диагностика ИКН 05-11 “Автомобиль йўллари ҳолатини ташхис қилиш ва баҳолаш” меъёрий ҳужжат талаблари асосида амалга оширилсин.</p> <p>Лойиҳа-қидирув ишлари жараёнида ернинг геологик ва гидрогеологик ҳолати ўрганилсин, тўлиқ ҳажмда ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.</p> <p>Йўл, кўприklar ва йўлда жойлашган бошқа сунъий иншоотлар диагностикаси замонавий ўлчов асбоблари воситасида тўлиқ ҳажмда амалга оширилсин.</p>
<b>17.Мухандислик коммуникацияларга талаблар.</b>	ШНК 2.05.02-07 “Автомобиль йўллари” меъёрий ҳужжатининг 5.20-бандида Автомобиль йўллари кувурли ўтказгичлар (сувўтказгич, газўтказгич, канализация, нефтўтказгич, иссиқлик кувурлари

	<p>ўтказгич ва бошқалар), алоқа ва электр узатиш тармоқлари кабеллари билан кесишмаларини мазкур коммуникацияларни лойиҳалашга тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан кўзда тутиш лозим.</p> <p>Турли ер ости коммуникацияларининг автомобиль йўллари билан кесишмасини тўғри бурчак остида лойиҳалаш лозим, бундай коммуникацияларни йўл кўтармаси тагидан ўтказишда ғилоф (“кожух”) ичидан ўтказилиши кўзда тутилсин. Лойиҳа ишларини бошлашдан олдин объект ҳудудида жойлашган мавжуд инженерлик коммуникациялари тўлиқ ва пухта ўрганиб чиқилиб, муҳандислик коммуникациялари эгаларидан олинадиган техник шартлар оптимал бўлишига эришиш лозим.</p>
<p><b>18.Объектни ресурслар билан таъминлаш</b></p>	<p>Маҳаллий қурилиш материалларидан максимал даражада фойдаланилсин. Техник-иқтисодий жиҳатидан самарали бўлган импорт материалларни қўллаш кўзда тутилсин.</p> <p>Объект учун зарурий хом-ашё ва материаллар (қум-шағал аралашмаси, чақиктош ва грунт) карьерларининг қувватлари ҳажми ҳисоблаб чиқилиб, объектга материалларни ташиб келтириш учун ўша жойдаги карерларни чуқур ўрганиб, улардан материалларни етарли захираси борлиги ва сертификатлари мавжудлигини текшириб, кейин лойиҳада инобатга олинсин.</p> <p>Асфальтобетон, цементобетон, темирбетон ва маҳсулотларини ишлаб чиқувчи корхоналар қуввати ҳамда, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси лойиҳа ишларига тадбиқ қилишдан олдин тўлиқ ўрганиб чиқилиши лозим.</p>
<p><b>19.Табиат атроф-муҳит муҳофазасига талаблар</b></p>	<p>Меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида атроф-муҳитга ўтказадиган таъсир баённомаси лойиҳаси ишлаб чиқилсин ва экологик экспертизадан ўтказилсин (ЗВОС).</p> <p>Лойиҳа ҳужжатларида салбий таъсирни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан "атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" бўлимини атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш асосида тақдим этиш шарт.</p> <p>Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш "автомобил йўллари ва кўприк ўтиш жойларини лойиҳалашда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар" асосида амалга оширилиши керак.</p> <p>Аҳоли пунктларида автотранспорт ва автомобил йўлларининг таъсир кўрсаткичлари аҳоли</p>

	<p>пунктларининг атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг (чанг концентрацияси, углеводород концентрацияси, кўрғошин ва унинг бирикмалари концентрацияси) рухсат этилган максимал концентрациясидан ошмаслиги керак.</p> <p>Аҳоли яшайдиган жойларда транспорт шовқинининг даражаси меъёрлардан ошмаслиги керак.</p>
<p><b>20. Курилиш майдончасининг (трасса) шарт-шароитлари</b></p>	<p>Текислик.</p>
<p><b>21. Асосий кўрсаткичлар, техник талаблар ва конструктив ечимлар</b></p>	<p>Аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” талабларига мувофиқ лойиҳалансин. Йўл тўшамаси конструкциясини лойиҳасида амалдаги меъёр талабларига асосланган ҳолда замонавий йўл қурилиш материалларидан (геосетка, геотекстил ва х.к) фойдаланиш инobatга олинсин;</p> <p>Автомобиль йўлидан сувни қочириш учун замонавий типдаги ёпик лотоклардан фойдаланиш кўзда тутилсин;</p> <p>Лойиҳада автомобиль йўли, кўприклар ва йўл ўтказгичнинг халқ хўжалигидаги тутган ўрнини ҳисобга олиш ва техник-иқтисодий талабларга жавоб берадиган лойиҳа ечимларини қабул қилиш талаб қилинади;</p> <p>Ишчи лойиҳа лойиҳа ташкилоти томонидан экспертиза кўригидан ўтказилиб ижобий хулосаси олинсин;</p> <p>Лойиҳа таркиби тузилсин;</p> <p>Ишчи лойиҳа таркибида лойиҳалаш учун асос ва топширик, смета қисмида нархларни асословчи ҳужжатлар, машина-механизм ва материалларга ижобий экспертиза хулосалари бўлиши талаб этилади.</p> <p>Техник шартлар (тех.ушловия) керакли ташкилотлардан олинсин;</p> <p>Материалларни ташиб келтириш масофасини жойида ўлчаб далолатнома тузилсин;</p> <p>Ҳар бир объектга ўша ернинг табиий иқлим шароити, мавжуд ҳолати, автомобиллар ҳаракати ҳамда ҳудуд аҳолиси таклифини инobatга олиб, шу ҳудуднинг шарт-шароитидан келиб чиқиб лойиҳалаш ишлари амалга оширилсин.</p>

	<p>Лойиҳалаш жараёнида йўлдаги ҳар бир элементга индивидуал ёндашиш ҳамда замонавий материаллар ва машина механизмлардан фойдаланиш ишларини лойиҳага киритиш.</p> <p>Автомобиль йўлларини жиҳозлашда халқаро ва давлат аҳамиятдаги йўлларни (Республика йўл ҳаракат хавфсизлигининг йўл назорати бўлими ва ҳудудий йўл назорати бўлими билан), маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни (ҳудудий йўл назорати билан) келишилсин.</p>
<p><b>22. Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича талаблар</b></p>	<p>Лойиҳавий ечимлар Автомобиль йўллари қўмитасининг ҳудудий бош бошқармалари, вилоят ҳокимлиги, қурилиш бошқармалари, йўллардан фойдаланувчи ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар келишишдан ташқари лойиҳани ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ҳокимлар иштирокида лойиҳавий ечимларни комплекс равишда кўриб чиқиб, буюртмачи томонидан тасдиқланади</p> <p>Йўл режаси ва андозавий кўндаланг кесимлар лойиҳалари йўлнинг тоифаси, ҳаракат жадаллиги, аҳоли пунктлари ва йўл бўйида жойлашган савдосотиқ ва умумий овқатланиш комплексларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Шунингдек, автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишда меъёрий ҳужжатлар асосида йўл учун ажратилган минтақа параметрлари ҳисобга олинсин.</p>
<p><b>23. Архитектура ва режалаштириш ечимига қўйиладиган асосий талаблар</b></p>	<p>Архитектура режалаштириш топшириғи (АПЗ) ишлаб чиқилсин;</p> <p>Объектни лойиҳалаш мавжуд ландшафтни, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва яхшилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг чарчоқларини камайтириш, қимматбаҳо қишлоқ хўжалиги ерларини сақлаш, йўлнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Шунингдек, йўлнинг аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида транспортлар ҳаракатини тўғри ташкил этишга эришиш зарур.</p>
<p><b>24. Лойиҳа ечимларини мувофиқлаштириш зарурлигига қўйиладиган талаблар</b></p>	<p>Лойиҳа ҳужжатларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат назорати органлари, шунингдек ташкилотлар билан мувофиқлаштириш (давлат экспертизаси, сўров натижаларини текшириш, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигини текшириш бошқармасининг хулосаси ва бошқалар).</p> <p>Йўлнинг қурилиш (ёки реконструкция қилиш) зонасида портловчи ва радиоактив объектларнинг</p>

	<p>мавжудлигини малакали баҳолаш (тарихий ҳужжатлар, архив материаллари, дала экспертизаси материаллари таҳлили асосида), қурилишнинг айрим майдонларини тозалаш бўйича ишларнинг оқилона миқдорини аниқлаш, ушбу вазифаларни ҳал қилиш ва қурилиш ишларини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган куч ва воситалар. Автомобиль йўлини қуриш (ёки реконструкция қилиш) учун тўсиқ бўлиб, хизмат қилиши мумкин бўлган йўлнинг қурилиш (ёки реконструкция қилиш) зонасида археологик ёдгорликлар, қабрлар ва бошқа объектларнинг мавжудлигини малакали баҳолашни амалга ошириш. Лойиҳа-қидирув ишлари жараёнида йўл ёқасида жойлашган ташкилотлар, АЁҚШлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш пунктлари, умумий овқатланиш комплекслари, аҳоли турар-жойларига ва ҳ.к.ларга кириб-чиқиш йўллари ҳисобга олинсин.</p>
<p><b>25.Смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга талаблар</b></p>	<p>Смета ҳужжатларида қурилишнинг бошланғич нархи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарорига мувофиқ жорий нархларда ҳисоблаб чиқирилиши лозим.</p>
<p><b>26.Йўлни йўл белгилари, тўсиқлар ва ётик чизикли белги (разметка) билан жиҳозлаш</b></p>	<p>ГОСТ 23457-86, МҚН 23-2008 ва O'zDSt 3283:2017 га мувофиқ лойиҳалансин. Замонавий йўл белгилари, йўл тўсиқлари, ҳамда нур қайтарувчи ётик чизиклардан фойдаланиш кўзда тутилсин.</p>
<p><b>27.Техник жараёнлар, жиҳоз ва ускуналарга талаблар</b></p>	<p>Амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида лойиҳаланади. Ёритиш тизимларини қуриш ва қайта қуриш замонавий қуёш ва энергия тежамкор лампалардан ҳамда қайта тикланувчи муқобил электр энергиясидан имкон қадар фойдаланиш назарда тутилсин. Аҳоли яшаш пунктларида замонавий ёритиш тизими ўрнатилиши кўзда тутилсин. Фойдаланилаётган ҳар бир жиҳоз ва ускуна стандарт талабларига жавоб бериши ҳамда сертификатга эга бўлиши лозим.</p>
<p><b>28.Сунъий иншоотлар</b></p>	<p>Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 “Кўприклар ва қувурлар” талабларига мос равишда ва техник кўрик ҳулосаси асосида. Кўприкларни жойидан келиб чиқиб, йиғма ва қуйма (монолит) усулда қуриш ҳамда замонавий материаллардан фойдаланиш кўзда тутилсин.</p>

29.Фуқаро муҳофазаси бўйича муҳандислик-техник тадбирларни ва фавқулотда ходисаларни олдини олиш бўйича талаблар	Ишчи лойиҳада йўллар ва кўприклар режаси Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг вилоят бошқармалари билан келишилсин.
30.Қурилишнинг алоҳида шартлари	Худуднинг сейсмиклиги КМК 2.01.03-96га биноан қабул қилинсин.
31.Ерларни рекультивация қилиш талаблари	Ерлардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоялаш, ерларни рекультивация қилиш учун харажатлар кўзда тутилсин. Табиат ва атроф- муҳит, ўсимлик дунёсига зарар етказмаслик мақсадида қазилган ва бузилган жойларни қайта тиклаш ишлари лойиҳада кўзда тутилсин.
32.Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси	ШНҚ 3.06.03-08 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин. Қурилишни ташкил этиш ва ичида календар график билан (ПОС) қурилиш-монтаж ишлари бажариш муддати, ишлатиладиган машина-механизмлар сони, ишлаш вақти аниқ кўрсатилсин;
33.Аҳолини ногиронлиги бўлган ва кам ҳаракатланувчи гуруҳлар ҳаёти фаолияти шароитларини таъминлаш бўйича талаблар	Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 641-сонли қонуни ва ШНҚ 2.07.02-07 талабларига мос равишда амалга оширилсин. Пиёдалар йўлагини асосий йўлларга ва туташмаларга туташ қисмларида ногиронларга тушиб чиқиш ҳамда чорраҳалардан кесиб ўтиш учун барча шарт-шароитлар яратилсин.
34.Қурилишда муаллифлик назорати	Лойиҳа ташкилоти томонидан муаллифлик назоратини олиб боровчи мутахассислар бириктирилсин ва қурилиш-монтаж ишлари даврида муаллифлик назорати ишлари лойиҳачи томонидан график асосида тўлиқ амалга оширилсин.
35.Топшириш-қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Экспертизанинг ижобий хулосаси олинганидан сўнг ишчи лойиҳа 3 нусхада, электрон вариантда (2 нусхада ташкилот логотипи ва объект номи ҳамда иш тури туширилган дискда) ва амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим.

Буюртмачи:

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль

йўлларини қуриш ва реконструкция

қилиш дирекцияси” ДУК

бўлим бошлиғи

Ғ.Зоҳидов

2022й.

